«ТАСДИҚЛАНГАН»
"Buxoroneftgazparmalash" Aksiyadorlik jamiyati акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан
2025 йил «14» _____
_____ - сонли баённома

"Buxoroneftgazparmalash" Aksiyadorlik jamiyatining

Кузатув кенгаши тугрисидаги НИЗОМ

(янги таҳрирда)

2025 йил – Қараулбозор шахри.

“Buxoroneftgazparmalash” акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низоми

Мундарижа:

1.Умумий қоидалар.

2.Кузатув кенгаши аъзоларининг сайланиши, тайинланиши ва ваколатининг тугатилиши.

3.Кузатув кенгаши ваколатлари.

4.Кузатув кенгаши раиси.

5.Кузатув кенгаши мажлисларини чақириш ва ўтказиш тартиби.

6.Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.

7.Кузатув кенгашининг жамиятда ички назоратни амалга оширишдаги иштироки.

8.Кузатув кенгаши аъзоларини рағбатлантириш тартиби ва миқдори.

9.Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги.

10.Кузатув кенгаши котиби.

11. Акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг сиртдан мажлиси ўтказилиши тартиби.

12. Қўмиталар ташкил этилиш ва иш тартиби.

13. Якуний қоидалар.

Иловалар.

1.Умумий қоидалар

1.1.Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (кейинги ўринларда Қонун), қонунчиликнинг амалдаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, “Buxoroneftgazparmalash” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда жамият) Устави, Корпоратив бошқарув Кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Ушбу Низом Кузатув кенгашининг мақомини, ишини, Кузатув кенгаши аъзоларининг сайланиш тартибини, шунингдек, Кузатув кенгаши ҳар бир аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, жавобгарлигини, кузатув кенгаши мажлисларини ўтказиш тартибини, кузатув кенгаши аъзолари томонидан қарор қабул қилиш тартибини белгиловчи меъёрлардан иборат.

1.3. Кузатув кенгаши жамиятнинг умумий фаолиятини бошқаради, қонунчилик, жамият Устави томонидан акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно.

1.4.Ўз фаолиятини амалга оширишда кузатув кенгаши Қонун, корпоратив бошқарув Кодекси тавсиялари, жамият Устави, ушбу Низом ва жамиятнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларига амал қилади.

1.5.Кузатув кенгаши ўз ваколатларини амалга оширишда жамият ва унинг акционерлари манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳаракат қилади.

1.6. Кузатув кенгашининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

a) жамиятни ўрта муддатли ривожлантириш стратегияси бажарилишини таъминлаш;

b) жамия Бошқаруви фаолияти ва жамият бизнес-режаси бажарилиши назоратини амалга ошириш;

c) Жамият фаолиятининг очиқлиги, ойдинлиги ва тўлиқлигини, ошкор этилиши мажбурий бўлган жамият тўғрисидаги ахборотларнинг ишончлилигини таъминлаш ва жамиятнинг ахборот сиёсати тўғрисидаги фаолияти назорати;

d) Жамият ички назорат тизими фаолиятини ташкил этиш назорати ва хавфлар бошқарилуви;

e) Жамиятнинг дивиденд сиёсати амалга оширилишини таъминлаш ва манфаатлар келишмовчилигини тартибга солиш;

f) Жамият акционерларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш.

2. Кузатув кенгаши аъзоларининг сайланиши, тайинланиши ва ваколатининг тугатилиши.

2.1. Жамият кузатув кенгашининг сон таркиби жамият Устави билан белгиланган ва 9 (тўққиз) кишидан иборат бўлиб, кузатув кенгаши таркибига киритиладиган мустақил аъзолар сони 1 (бир) кишидан иборат бўлиши керак.

2.2. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин жамият уставида кўрсатилган муддатдан кечиктирмай, кузатув кенгаши таркибига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ва кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган кунгача ўзгартишлар киритишга ҳақли

2.2. Акциядорлар (акциядор) томонидан номзодлар кўрсатиш ёзма талабнома тақдим этиш ва бу ёзма талабномани жамият жойлашган манзил бўйича жамият уставида кўрсатилган муддатда хат йўллаш (почта орқали ёки электрон почта манзилига хат йўллаш) орқали амалга оширилади. Тақдимнома киритилган сана сифатида, почта орқали юборилган сана ёки корхона офисига етказиб берилган сана белгиланади. Талабномада қўйидагилар кўрсатилиши керак:

- номзодни кўрсатган акциядорнинг фамилияси, исми, отасининг исми (исми), унга тегишли акциялар сони ва тури;
- кўрсатилган номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, объектив маълумотлари, унга тегишли акциялар сони ва тури (агар у жамиятнинг акциядори бўлса).

2.4. Кузатув Кенгаши жамият Уставида таклиф киритиш бўйича белганган муддат тугагач, 10 кундан кечикмай, қабул қилинган аризаларни кўриб чиқиши ва номзодни овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритиш (ёки киритмаслик) тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

2.5. Кузатув Кенгаши, қўйидаги ҳолларда, Кузатув Кенгаши аъзолари таркибига таклиф этилган номзодларни овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад етишга ҳақли:

- жамият Устави билан таклиф киритиш борасида белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан риоя этилмаган бўлса;
- акциядорлар (акциядор) ушбу Низомнинг 2.2. бандида назарда тутилган миқдордаги овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
- ушбу Низомнинг 2.3. бандида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;
- таклиф етилган номзод мазкур Низомнинг 2.18-бандида кўрсатилган малака талабларига жавоб бермаса.

2.6. Жамият кузатув кенгаши номзодни жамият кузатув кенгашига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

2.7. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланиб, ушбу шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

2.8. Жамият бошқарув органининг аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

2.9. Жамият Кузатув Кенгаши аъзоларининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш қонун ҳужжатларига мувофик ҳамда жамият Уставида ва ушбу низомда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан амалга оширилади.

2.10. Жамият кузатув кенгаши аъзосининг ваколатини муддатидан олдин тугатиш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

a) ўз вакилларини фаолият кўрсатаётган таркибга номзод қилиб кўрсатган акциядор ўзгарган тақдирда;

b) акциядордан Кузатув Кенгашидаги ўз вакилларини алмаштириш талаби мавжуд бўлса;

c) шахсий манфаатлари ёки бошқа шахсларнинг мансаб ёки расмий лавозимга оид манфаатлари учун жамиятга зарар келтирганида;

d) жамият ва унинг акциядорлари манфаатларига номутаносиб ва мантиқсиз тарзда ҳаракат қилаганида;

e) жамият фаолияти тўғрисидаги махфий маълумотларни, шу жумладан инсайдерлик маълумотларини, шунингдек учинчи шахслар томонидан ўз мақсадларида фойдаланишларига олиб келувчи ахборотларни ошкор қилишга имкон берганида;

f) Кузатув Кенгаши мажлисларида, Кузатув Кенгаши ҳузуридаги комитетлар ишида мунтазам иштирок этмаганида;

g) содир этилиши кутилаётган битимдан манфаатдорлиги тўғрисидаги маълумотларни маълум қилмаганда;

h) кузатув кенгаши аъзосининг ваколатларидан воз кечиши тўғрисидаги тегишли мурожаати мавжуд бўлганда;

i) бошқа ҳуқуқий, конуний асослар мавжуд бўлганда.

2.11 Агар акциядорлар умумий йиғилишининг таклиф этилаётган кун тартибида Кузатув Кенгаши аъзоларининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш масаласи қўйилган бўлса, Кузатув Кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига Кузатув Кенгаши аъзоларининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш масаласи билан бирга кузатув кенгаши таркибига янги аъзоларни сайлаш масаласини ҳам киритади. Кузатув Кенгашининг аъзоларининг ваколатини тугатиш тўғрисидаги масала кўрилаётган акциядорларнинг шу умумий йигилишида кузатув кенгашининг янги аъзолари ҳам сайланади.

2.12. Шу жамиятда меҳнат шартномаси бўйича ишлайдиган шахслар жамият Кузатув Кенгашининг аъзолари этиб сайланиши мумкин эмас.

2.13. Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамиятнинг, шунингдек устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак. Кузатув Кенгашига мустақил аъзо киритилмаган тақдирда, жамият корпоратив бошқарув Кодексининг ушбу тавсиясига риоя қилмаслик сабаблари тўғрисида маълумотларни эълон қилади.

2.14. Қуйидаги шахслар кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин эмас:

a) сўнгги беш йил ичида жамиятда ва (ёки) жамиятнинг аффилланган шахсларида ишлаган шахс;

b) жамият овоз берувчи акцияларининг беш ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи (тўғридан-тўғри ва (ёки) аффилланган шахслар орқали) акциядор;

c) жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлган шахс. Бунда қайси шахслар билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўша шахслар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

d) сўнгги уч йил ичида жамиятга ва (ёки) жамиятнинг аффилланган шахсларига аудиторлик хизматларини кўрсатган аудиторлик ташкилотининг ходими;

e) кетма-кет олти йил давомида жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига кирган шахс;

f) жамият ва (ёки) унинг аффилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган келишувлар мустасно;

g) жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг яқин қариндоши ёки қуда томондан қариндоши (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, ўғиллари, қизлари, эри (хотини), шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) бўлган шахс;

h) жамиятнинг уставида ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари билан тасдиқланган ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган шахс.

2.15. Жамият кузатув кенгаши мустақил аъзосининг ушбу Низомнинг 2.14 қисмида белгиланган талабларга мувофиқлиги ўзгарган тақдирда, у жамиятни ва кузатув кенгашини бу ҳақда икки иш куни ичида хабардор қилиши шарт. Бу ҳолда бошқа номзод мустақил аъзо сифатида сайланади. Жамият кузатув кенгашининг мустакил аъзоси кузатув кенгашининг бошка аъзолари билан бир каторда амалдаги қонунчиликда белгиланган тенг хукуклар ва мажбуриятларга эга. Кузатув кенгашининг мустакил аъзоси бошка аъзолар билан бир хил вазифаларни бажариб, карорлар кабул килинишида мустакиллик тамойилини таъминлайди.

2.16. Фақат жисмоний шахс кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин.

2.17. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши керак бўлган мустақил аъзолар ва бошқа аъзолар сонига алоҳида кўпайтирилади ҳамда акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

2.18. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

2.19. Қуйидаги малака талабларига эга булган шахс Жамият Кузатув кенгаши аъзолигига номзод сифатида тавсия этилиши мумкин:

a) Олий таълим ёки илмий даражанинг, ёки бошкарув (менежмент) сохдсида кушимча таълими мавжуд бўлган;

b) Давлат ёки хужалик бошкарув органлари активларини бошкариш сохасида ва/ёки жамият фаолиятига тегишли булган тармокда иш тажрибасига эга;

c) рахбар лавозимларида, шу жумладан Кузатув кенгашлари таркибларида иш тажрибасига эга;

d) турли коллегиал органларда иштирок этиш, шу жумладан унинг Кузатув кенгаши қўмиталарида аъзолиги билан боғлик махсус кўникмалар (кучли коммуникативлик кўникмалари, фаолиятни шаффофлик, холислик, конструктивлик ва профессионализм тамойиллари асосида амалга ошириш учун зарур сифатлар)га эга бўлган;

e) корпоратив бошкарувчи малака аттестатига эга булган *(ушбу банд талаби жамият кузатув кенгашига давлат улуши буйича таклиф этилган давлат вакилларига нисбатан тадбиқ этилади).*

2.20. Кузатув Кенгаши аъзоси ваколати тугатилиб, у кузатув кенгаши таркибидан чиққан тақдирда, Кузатув Кенгаши қолган аъзоларининг ваколатлари тугатилмайди, бироқ Кузатув Кенгаши аъзоларининг сони Уставда назарда тутилган соннинг етмиш беш фоизидан кам бўлган ҳоллар бундан мустасно.

2.21. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони жамият уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

3.Кузатув кенгаши ваколатлари

3.1. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

a) жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

b) акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, Қонун 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

c) акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

d) акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

e) акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

f) Қонун 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

g) мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

h) жамиятнинг бошқарув аъзоларини сайлаш (тайинлаш), Қонун ҳужжатларида ва ушбу уставда назарда тутилган ҳолларда бошқарув раиси ва аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

i) ижро этувчи орган раҳбари ва унинг аъзолари лавозимларига танловни ташкил етиш, бошқарув аъзолари лавозимларига танлов ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш ва танловни эълон қилиш жараёни тартиб-қоидаларини, танлов мезонларини белгилаш натижалари асосида бошқарув органи лавозимларига замонавий, илғор фикрловчи, юқори малакали менежерларни, шунингдек хорижий менежерларни ёллаш;

j) корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

k) йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш ёки жорий йилнинг 1 декабригача бўлган муддатда маъқуллаш;

l) ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, харажатларининг йиллик сметасини тасдиклаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

m) жамият Бошқарувининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркиин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни жамият Бошқарувидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

n) аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўгрисида қарор қабул қилиш;

o) дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

p) жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

q) жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

r) жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

s) Қонуннинг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

t) жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонунчиликда белгиланган тартибда тузиш;

u) жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

v) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

w) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга ва эмиссия рисоласига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ва уларнинг матнини тасдиқлаш;

x) жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

y) жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

z) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

aa) Жамиятнинг йиллик хисоботи билан бирга жамиятнинг йиллик молия-хужалик фаолиятини аудиторлик текшируви якунлари буйича ташки аудиторнинг хисобот ва хулосасини эшитиш хамда унинг натижалари буйича тегишли чора-тадбирлар белгилаш. Бунда жамиятнинг йиллик хисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ўтказиладиган санадан камида ўн кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим;

bb) Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархни белгилаш;

cc) жамият бошқарув органи аъзолари лавозимларига танлов мезонларини белгилаш ва танловни ўтказиш;

dd) хайрия (ҳомийлик) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш тартиби ва шартларини белгилаш;

ee) ўз ваколати доирасидаги жамиятнинг меъёрий ҳуқуқий низомларини тасдиқлаш;

ff) кузатув кенгаши қошида қўмиталар тузиш, унинг фаолиятини белгиловчи, иш тартибини аниқловчи Низомларни тасдиқлаш;

gg) Жамият акция ва улушларига эгалик қилаётган корхона ва ташкилотларнинг бошқарув органларида жамият номидан ўз вакилининг овоз бериш тартибини тасдиқлаш;

hh) Мунтазам равишда йилнинг хар чораги якунлари бўйича ижроия органи ва ички аудит хизмати хисоботларини эшитиш хамда унинг натижалари буйича тегишли чора-тадбирлар белгилаш, уларнинг тасдиқланган бизнес-режасига мувофиқ, бажарилган ишлар ва эришилган кўрсаткичлар тўғрисида ҳисобот талаб қилиниши;

ii) Аакциядорлик жамиятида Корпоратив бошқарув Кодекси тавсияларига амал қилиниши юзасидан назорат олиб борилиши;

jj) жамият ижроия органига тўланадиган ҳақ ва уларнинг энг юқори миқдорини белгилаш;

kk) жамият ижроия органига тўланадиган ҳақ ва уларнинг энг юқори миқдорини белгилаш умумий йиғилиш муҳокамасига қўйилган тақдирда ушбу масала ҳамда жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, шунингдек унга ўзгариш киритиш бўйича масалаларни кузатув кенгаши томонидан маъқулланмаган сўнг акциядорлар умумий йиғилишига киритиш.

3.2. Қуйидагилар ҳам жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилади:

a) асосий фаолиятларидан ташқари қўшимча иш, хизмат турларини бажариш ва ўзлаштиришнинг мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш;

b) импорт орқали режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) харидлари рўйхатининг мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш;

c) давлат иштироки мавжуд жамият ва унинг таркибидаги корхоналар томонидан мулкни бегоналаштириш тўғрисидаги шартномаларни (битимлар, шартномалар, меморандумлар ва бошқалар), уни сотиш шакли ва механизмини, инвестициялар киритилишини зарурий олдиндан кўриб чиқиш;

d) жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун танлов асосида мустақил баҳоловчи ташкилотни танлаш, баҳолаш натижаларини таҳлил қилиш ва аниқланган камчиликларни бартараф етиш устидан кейинги назорат;

e) Қонунчилик ва Жамият Уставига мувофик бошка масалаларни кал этиш.

3.3. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

3.4. Кузатув Кенгаши ўз ваколатларини амалга ошириш давомида қуйидаги функцияларни бажаради:

a) Кузатув Кенгаши аъзоларининг мажбуриятларини белгилаш, шунингдек ўз фаолияти самарасинини баҳолаш ва унинг натижаларини акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим етиш;

b) бошқарув кенгаши фаолияти самарадорлигини баҳолаш, зарур бўлганда - акциядорлик жамияти бошқаруви таркиби алмаштирилишини ташкил этиш;

c) ички аудитт хизмати хулосаларини кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш, камчиликларни бартараф етиш чора-тадбирларини аниқлаш бўйича қўшимча қарор қабул қилиш билан;

d) ўз йиғилишларида ички назорат тизими фаолиятининг самарадорлиги масалаларини кўриб чиқиш;

e) жамиятнинг ижроия органи иштирокида ички назоратни ташкил етиш ва самарадорликни ошириш чораларини муҳокама қилади;

f) ички назорат тизими органларининг бўлимлар ва ходимлар билан ўзаро ҳамкорлиги қоидаларига риоя етилишини назорат қилади;

g) аффилланган шахслар ҳақидаги маълумотларни юритиши назоратни амалга оширади;

h) йиллик бухгалтерия ҳисоботларининг аудитини ўтказиш мониторинги;

i) ижро етувчи орган, жамиятнинг ички назорат органлари, жамиятда ташкил етилган коллегиал органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва агар керак бўлса, жамиятни ривожлантириш режаларини ишлаб чиқишни ташкил етиш ва унда кўрсатилган мақсадларга эришишни мониторинг қилиш учун мутахассисларни жалб қилиш;

j) бошқарув органи молия-хўжалик фаолиятини ички аудит хизмати томонидан текширилишини ташкил этиш;

k) АЖ ташкилий тузилмаси қонунчилик талабларига мувофиқлигининг доимий текширилишини таъминлаш ва мунтазам баҳолаб борилиши бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

l) корпоратив бошқарув кодекси тавсияларининг бажарилишини назорат қилиш ва мониторинг қилиш;

m) корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва аниқланган камчиликлар бўйича корпоратив бошқарув кодекси тавсиялари таъминланиши чораларини кўриш.

4. Жамият кузатув кенгашининг раиси.

4.1. Жамият кузатув кенгашининг раиси, раиси, кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади. Жамиятнинг Кузатув кенгаши уз раисини Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан купчилик овоз билан кайта сайлашга хакли.

4.2. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

4.3. Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

4.4. Ўз вазифаларини бажариш доирасида Кузатув Кенгаши раиси:

a) кузатув кенгаши мажлиси чақирилиши тўғрисида қарор қабул қилади;

b) мажлисни ўтказиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида келишишади;

c) мажлисларнинг кун тартибини амалдаги Қонунчилик талаблари асосида, зарурат туғилганда, пайдо бўлаётган вазиятлардан келиб чиқан ҳолда, шунингдек ваколатли шахсларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда шакллантиради;

d) Кузатув Кенгаши мажлисини ўтказиш шакли (шахсан, сиртдан, видеоконференсия орқали) тўғрисида қарор қабул қилади;

e) мажлисни аудио-видео ёзувига олиш ва интернет тармоғига узатишга рухсат бериш ҳуқуқига ега;

f) мажлисда кворум тўпланганлини ёки унинг йўқлигини аниқлайди, шунингдек Кузатув Кенгаши аъзоларига кун тартибидаги масалалар муҳокамиси бўйича кворум борлиги (йиғилиш ваколатлиги) тўғрисида ахборот беради;

g) йиғилишни очади ёки Кенгашининг аъзоларига ушбу йиғилишда Кузатув Кенгаши қарор қабул қилишга ваколатли эмаслиги тўғрисида хабар беради;

h) мажлисни бошқаради, маърузачилар ва мажлисда ҳозир бўлганларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиради, масалаларни муҳокама қилиш тартибини белгилайди, кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш ва овоз бериш пайтида тушунтиришлар беради, мажлис ўтказилаётган хонада тартиб сақланишини назорат қилади;

i) Кузатув Кенгашининг иши доирасида ўтказилаётган мажлисга, кун тартибидаги масалалар бўйича фвқат таклиф қилинганлар иштирок етишини қатъий назорат қилади, йиғилишга таклиф қилинганларни таништириб ўтади;

j) сўзга чиққанлар, нотиқлар ва муҳокама қилмоқчи бўлганларга сўз беради ва зарур ҳолларда тегишли масала бўйича очиқ муҳокама имконини яратади, овоз берилишини ташкил етади;

k) Кузатув Кенгаши йиғилишида овоз бериш натижалари ва Кузатув Кенгаши қарорини эълон қилади;

l) Кузатув Кенгашининг мажлисини кун тартибидаги барча масалалар бўйича муҳокама ва қарор қабул қилиш якуни билан ёки Кузатув Кенгашининг мажлисни муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ тугатади;

m) Кузатув Кенгаши мажлисининг баённомаларини юритиш ва тайёрлашни ташкил етади;

n) Кузатув Кенгаши мажлисининг баённомасини имзолайди;

o) Кузатув Кенгашининг ҳар бир аъзоси учун аниқ вазифаларни белгилайди ва тарқатади.

4.5. Жамият Кузатув Кенгаши раиси Кузатув Кенгаши аъзолари билан келишган ҳолда:

a) Кузатув Кенгаши Мажлисининг шакли, санаси ва вақти;

b) кун тартибига қўшимчалар;

c) мажлис ўтказиладиган жой (сиртдан мажлис ўтказилган ҳолда);

d) зарурий материаллар рўйхати;

e) таклиф қилинган шахслар рўйхатини жамият кузатув Кенгаши аъзолари учун ташкил этилган телеграмм канали орқали белгилайди.

4.6. Кузатув Кенгашининг раиси ёки Кузатув Кенгаши ваколат берган шахс жамият номидан жамият бошқаруви аъзолари билан шартномалар имзолайди.

5. Кузатув Кенгаши мажлисларини чақириш ва ўтказиш тартиби.

5.1. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши аъзоси талаби, аудит қўмитаси талаби билан, ички аудит хизмати, ижроия органи аъзосининг, шунингдек жамият овоз берувчи акцияларнинг камида бир фоизига егалик қилувчи акциядор (акциядорлар) талабига кўра чақирилади.

5.2. Жамият Кузатув Кенгашининг Мажлиси Кузатув Кенгаши, ички аудит хизмати, бошқарув органи аъзоси, овоз берувчи акцияларнинг камида бир фоизига егалик қилувчи акциядор (акциядорлар) томонидан ёзма сўров тақдим етилган кундан еътиборан ўн кундан кечиктирмай ўтказилади.

5.3. Кузатув Кенгашининг мажлисини чақириш тўғрисидаги талабномада қуйидагилар бўлиши керак:

а) талабнома йўллаган шахс (орган) ҳақида маълумот,

б) мажлис кун тартибидаги масалалар таҳрири,

с) бу масалаларни кун тартибига киритиш сабаблари,

d) масалаларни кўриб чиқиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва материаллар,

e) мажлисни чақиришни сўраган шахснинг имзоси.

5.4. Кузатув Кенгашининг мажлисини чақириш талаби акциядордан (акциядорлардан) келиб тушган тақдирда, талабномага йиғилиш чақирилишини талаб қилган акциядор (акциядорлар)нинг, талабнома тақдим этилган санада эгалик қилувчи акцияларининг сони ва турини тасдиқловчи депо ҳисобварағидан кўчирма илова қилинган ҳолдаги, акциядор (акциядорлар) номи, шунингдек талабномага жавоб юборилиши керак бўлган манзил .кўрсатилиши керак.

5.5. Кузатув Кенгаши мажлисини чақириш тўғрисида талабнома тақдим этган шахс:

a) мажлис кун тартибидаги масалалар бўйича қарорлар лойиҳаларини таклиф қилиш;

b) йиғилиш ўтказиш санасини таклиф қилиш (талабни кўриб чиқиш учун ушбу Низом, жамият Устави билан белгиланган мажлис чақириш ва ўтказиш муддатларини ҳисобга олган ҳолда);

c) мажлисга ушбу Низомнинг 5.16-бандида кўрсатилган шахсларни, агар бундай шахсларнинг иштироки, Кузатув Кенгашининг мажлисини чақириш тўғрисида илтимос қилган шахснинг асосли фикрига кўра, йиғилиш кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш учун зарур бўлса таклиф қилиш;

d) йиғилиш тартибига доир бошқа таклифлар киритишга ҳақли.

5.6. Кузатув Кенгашининг мажлисини чақириш тўғрисидаги талаб киритилган кундан бошлаб 5 (беш) календар кун ичида Кузатув Кенгашининг раиси Кузатув Кенгашининг мажлисини чақириш ёки уни чақиришни рад етиш тўғрисида қарор қабул қилиши керак. Бундай ҳолда Кузатув Кенгашининг Мажлиси сўров берилган кундан бошлаб 10 (ўн) календар кундан кечиктирмай чақирилади. Кузатув Кенгашининг мажлисини чақириш ёки уни чақиришни рад етиш тўғрисидаги қарор Кузатув Кенгашининг мажлисини чақириш тўғрисида талабнома киритган шахсга юборилади.

5.7. Юқорида кўрсатиб ўтилган шахсларнинг талабига кўра кузатув кенгашимажлисини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

a) кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар), талабнома тақдим этилган санада, камида 1% миқдордаги жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

b) кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам кузатув кенгашининг ваколат доирасига кирмаса;

c) кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала Қонун талабларига мувофиқ бўлмаса.

5.8. Жамият Кузатув Кенгашининг мажлис ўтказишни рад етиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

5.9. Жамият Кузатув Кенгашининг мажлиси кворуми жамият Уставида белгиланади ва жамият Кузатув Кенгаши аъзолари сонининг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

5.10. Жамият Кузатув Кенгашининг аъзоси мажлисга қатнаша олмаган тақдирда, жамият Кузатув Кенгашининг раиси унинг мажлисда иштирок етишини видеоконференц алоқа орқали ташкил этиш ҳуқуқига эга. Бунда, кворумни аниқлашда видеоконференц алоқа орқали йиғилишда иштирок этадиган кузатув Кенгаши аъзолари ҳисобга олинади. Кузатув кенгаши мажлисида кузатув Кенгаши аъзоларининг иштироки видеоконференц алоқа орқали ташкил этилганда, ушбу видеоконференц алоқанинг электрон ташувчи ускунадаги видеоёзуви йиғилиш баённомасига илова қилиниши шарт.

5.11. Кузатув Кенгаши мажлисида қатнашмаган аъзонинг мажлис кун тартибидаги масалалар бўйича ёзма фикрини ҳисобга олиш мумкин. Мажлисга қатнаша олмаган Кузатув Кенгаши аъзосининг кун тартибидаги бандлар бўйича фикри шахсан ўзи томонидан имзоланган ва овоз бериш бошлангунга қадар ёзма равишда Кузатув Кенгаши раиси томонидан қабул қилинган бўлиши керак. Ушбу фикр Кузатув Кенгаши аъзолари томонидан қарор қабул қилишда ҳисобга олиниши мумкин, аммо кворум ва овоз бериш натижаларига таъсир қилмайди.. Кузатув Кенгаши томонидан қарор қабул қилишда ёзма фикр ҳисобга

5.23. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ўтказилиш мумкин, лекин бундан жамият ички аудит хизмати ҳисоботи, ижроия органи ҳисоботи муҳокама қилинадиган мажлислар мустасно. Сўров йўли билан мажлис ўтказиш ва сиртдан овоз бериш йўли билан қарор қабул қилиш тартиби, ушбу Низомнинг "Акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг сиртдан мажлиси ўтказилиши тартиби" 11-бўлимига мувофиқ амалга оширилади.

5.24. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

5.25. Жамиятнинг корпоратив котиби (агар мавжуд бўлса) ёки акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими мутахассислари Кузатув Кенгаши йиғилишлари баённомаларини ва уларга илова қилинган ҳужжатларни сақлаш учун жавобгардирлар.

6.Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

6.1. Кузатув Кенгаши аъзолари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жамият Устави, акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари, ушбу Низом ва жамиятнинг бошқа ички норматив ҳужжатларига амал қилиб фаолият кўрсатишади.

6.2. Кузатув Кенгаши аъзолари:

- ўз вазифаларини акциядорлар ва жамият манфаатлари йўлида виждонан ва оқилона равишда бажаришлари,
- Кузатув Кенгаши мажлисларида фаол иштирок этишлари,
- манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки манфаатлар тўқнашуви содир бўлиши хавфи мумкин бўлган ҳаракатлардан сақланишлари,
- жамият томонидан битимлар тузилишида манфаттдорликлари бўлган тақдирда, бу тўғрисида ҳалол ва тўлиқ маълумотни ошкор қилишлари лозим.

6.3. Кузатув кенгаши аъзоси қўйидаги ҳуқуқларга эга:

a) кузатув кенгаши йиғилишида шахсан иштирок этиш, мажлисда муҳокама қилинадиган масала юзасидан белгиланган регламент доирасида сўзга чиқиш;

b) ижро этувчи органдан, унинг бўлинмалари ва хизматларидан, филиаллари ва ваколатхоналаридан, жамиятнинг мансабдор шахсларидан, ички аудит хизматидан ўз функциялари ва ваколатларини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳар қандай ҳужжатларни олиш ва акциядорлик жамиятининг муайян вақт давомидаги фаолияти тўғрисида, унинг ривожланиш режалари тўғрисида маълумотларни олиш;

c) Кузатув Кенгаши йиғилишининг кун тартибига киритиш учун масалаларни таклиф қилиш, Кузатув Кенгаши йиғилишларида жамият фаолияти билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш, кўриб чиқилаётган Кузатув Кенгашининг қарорлари лойиҳалари бўйича таклифлар киритиш ва овоз бериш;

d) Кузатув Кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариши чоғида, акциядорлар умумий йиғилиши қарори ҳамда ушбу Низомда белгиланган миқдорда ҳақ тўланиши, шунингдек ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган харажатлар учун компенсация тўланиши мумкин.

6.4. Кузатув Кенгаши аъзолари ўз ҳуқуқлари амалга оширилиши ва ўз вазифалари бажарилишида қўйидагиларни инобатга олиши лозим:

a) ўз хизмат вазифаларини виждонан, шунингдек акциядорлик жамияти манфаатлари учун энг мақбул деб ҳисобланган тарзда бажариш;

b) сидқидиллик намоён этиш ва манфаатлар тўқнашуви содир бўлишига йўл қўймаслик;

c) жамият манфаатини кўзлаб қарор қабул қилишда эҳтиёткорлик, олдиндан кўра билиш сифатларини намоён этиш;

d) шахсий манфаатларни ёки учинчи шахсларнинг манфаатларини ҳисобга олмаган ҳолда мустақил равишда қарорлар қабул қилиш.

6.5. Кузатув кенгаши аъзолари мажбуриятлари:

а) ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган маълумотларни, жамиятнинг фаолияти, молиявий ҳолати ва унинг бозордаги мавқеи, шунингдек жамият фаолиятига оид амалдаги қонунчиликдаги мавжуд тенденциялар ва содир бўлиши мумкин бўлган ўзгаришларнинг жамият фаолиятига таъсирини таҳлил қилиш ва ўрганиш;

b) ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган, Кузатув Кенгашига муҳокама қилиш учун тақдим етилган масалалар бўйича ахборотларни, ички назорат тизими ва жамият ташқи аудитори томонидан киритилган хулосалари ва тавсияларни таҳлил қилиш ва ўрганиш;

c) жамиятнинг (унинг таркибий бўлинмаларининг) фаолияти текшируви билан тузилган далолатномаларини ва (ёки) ваколатли органлар томонидан ўтказилган текширишлар натижалари тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш;

d) ваколатли органлар томонидан муҳим масалалар бўйича жамиятга юборилган хулосалар, таклифлар, талаблар ва кўрсатмаларни кўриб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ қарорлар тайёрлаш;

e) бошқарув аъзолари, жамиятнинг бошқа ходимлари, мустақил экспертлар, жамият ташқи аудитори билан ўз вақтида кенгашлар (ишчи учрашувлар) ўтказиш;

f) Кузатув Кенгаши аъзосининг манфаатлари ва жамият манфаатлари ва (ёки) унинг кредиторлари ва бошқа манфаатдор томонларнинг манфаатлари ўртасида зиддиятга олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келиши хавфини тугдирувчи ҳолатлар содир бўлишига олиб келувчи ҳаракатлардан сақланиш ва шу ҳолатга олиб келиши мумкин бўлган мажбуриятларни ўз зиммасига олмаслик.

6.6. Кузатув Кенгаши аъзолари, уларга ошкор этилган жамият фаолияти ҳақидаги махфий маълумотларни, инсайдерлик ахборотларини, савдо сирини ташкил этувчи маълумотларни ошкор этишлари ёки шахсий мақсадларда фойдаланишлари мумкин эмас.

6.7. Жамият томонидан битим тузилишидан манфаатдор бўлган Кузатув Кенгашининг аъзоси, битим тузилишидан олдин Кузатув Кенгашини ушбу битим тузилишидан манфаатдорлигини, тузилиши кутилаётган битим хакидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тугрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг мухим шартларини батафсил курсатган холда хабардор қилиши шарт ва ушбу битим борасидаги муҳокамада иштирок этишга. ҳамда тегишли қарорни қабул қилишда овоз бериш ҳуқуқига ега эмас.

6.8. Кузатув Кенгаши аъзолари Кузатув Кенгаши томонидан муайян бир қарорлар қабул қилинишига таъсир кўрсатгани учун бевосита ёки билвосита ҳақ олишга ҳақли эмас.

6.9. Кузатув Кенгаши аъзолари акциядорлик жамиятининг имкониятларидан (мулкий ёки номулкий ҳуқуқлар, иқтисодий фаолият соҳасидаги имкониятлар, акциядорлик жамиятининг фаолияти ва режалари тўғрисидаги маълумотлар) шахсий бойлик олиш учун фойдаланишга ҳақли емас.

7.Кузатув кенгашининг жамиятда ички назоратни амалга оширишдаги иштироки.

7.1. Кузатув Кенгаши жамият ички назорат тизими таркибига кирувчи орган ҳисобланади.

7.2. Кузатув Кенгашининг жамиятда ички назоратни амалга оширишдаги иштироки доирасидаги ваколатига қуйидаги масалалар киради:

а) ички аудит хизматини ташкил етиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек унинг ҳисоботларини ҳар чоракда эшитиб бориш;

b) аниқланган камчиликларни ва бу камчиликларни бартараф этиш бўйича жамият ички аудитt хизматининг тавсияларини кўриб чиқиш ва бажарилиши назорати;

c) жамият ташқи аудиторининг ҳисоботларини кўриб чиқиш;

d) жамият томонидан молиявий ҳисоботларни тўлиқ, ишончли ва ўз вақтида тақдим этилишини назорат қилиш;

e) жамиятнинг молиявий ва ишлаб чиқариш фаолиятининг ташқи аудитини (мажбурий аудитдан ташқари) ўтказиш, ички назорат самарадорлигини баҳолаш, жамият ташкилий тузилмасининг қонун билан тасдиқланган ташкилий тузилмага мувофиқлиги даражасини баҳолаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

f) АЖ ташкилий тузилмасининг қонунчилик талабларига мувофиқлигини ўрганиш, қўллаш ва мунтазам баҳолаш бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

g) акциядорлик жамияти молиявий-иқтисодий ҳолатининг мустақил ички назоратини амалга ошириш;

h) аффилланган шахслар билан тузилган битимларни маъқуллаш ҳақида қонун талабларига мувофиқ қарор қабул қилиш;

i) самарали ички назорат тизимини яратиш ва унинг муваффақиятли фаолият кўрсатишини таъминлаш;

j) ички назорат тизими фаолиятининг самарадорлиги даражасини мунтазам таҳлил қилиб туриш;

k) компаниянинг ижро етувчи органлари томонидан ички аудит хизмати, аудиторлик ташкилоти ва назорат органлари тавсиялари ва кўрсатмаларининг тезкор бажарилиши бўйича чоралар кўриш;

l) ички назорат органлари аъзоларининг ўзлари томонидан ички назорат самарадорлигининг баҳоланиши;

m) ички назорат мақсадларига зид ҳаракатларнинг содир этилишини қўллаши мумкин бўлган қоидаларни қабул қилиш ва (ёки) амалиётларни амалга ошириш имкониятларини истисно қилиш.

7.3. Кузатув Кенгаши жамиятнинг ички назорат фаолиятини амалга оширувчи орган сифатида қуйидаги тамойилларга амал қилади:

a) ички назоратнинг изчиллиги ва узлуксизлиги;

b) ички назорат тизимини ташкил этишга комплекс ёндашув;

c) жамият фаолиятининг барча соҳалари устидан ҳар томонлама ички назорат;

d) жамиятнинг ички назорат функцияларини бажарадиган ходимларининг юқори малакаси ва иш билиш қобилияти.

8.Кузатув кенгаши аъзоларини рағбатлантириш тартиби ва миқдори.

8.1. Жамият Кузатув Кенгаши аъзоларига ўз вазифаларини бажариш даврида Кузатув Кенгаши аъзоларининг ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлар учун ҳақ тўланади ва (ёки) қопланади. Бундай ҳақ ва компенсация миқдори ушбу Низомда, шунингдек акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади

8.2. Жамият Кузатув Кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш манбаи жамиятнинг айланма (пул) маблағлари ҳисобланади. Кузатув Кенгаши аъзоларининг фаолияти учун тўланган маблағлар жамият харажатларига этилади.

8.3. Жамият Кузатув Кенгаши аъзоларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари - бу ўз вазифаларини тўғри бажариш ва компаниянинг йиллик бизнес-режаси параметрларини соф фойда миқдори бўйича белгиланган режа кўрсаттичи бажарилиши ва корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари бўйича аниқланган кўрсаттич ҳисобланади.

8.4. Кузатув Кенгаши аъзоларига тўланадиган белгиланган ҳақ, улар томонидан ўз вазифаларини тўлиқ, сифатли, тўғри бажарилиши учун тўланади.

8.5. Кузатув кенгаши аъзоларига иш фаолияти учун ҳар ой охирида белгиланган тўлов миқдори қуйидаги чегарада ўрнатилади:

– кузатув кенгаши раисига, тўлов тўланиши керак бўлган ҳар ой охирида Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 4–баравари ҳажмида;

– кузатув кенгаши аъзоларига, тўлов тўланиши керак бўлган ҳар ой охирида Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 3,5–баравари ҳажмида.

8.6. Ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатиб ўтилган вазифаларни бажариш учун Кузатув кенгаши аъзолари таркибидан котиб тайинланиши мумкин. Агар Кузатув кенгаши котиби этиб, унинг аъзоси бўлмаган бошқа шахс тайинланса, унга ҳар ой охирида Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 3 (уч) баравари миқдорда тўлов тўланади. Ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатиб ўтилган вазифаларни бажариш жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси томонидан бажарилган тақдирда ушбу маблағ тўланмайди.

8.7. Кузатув Кенгаши аъзосининг ваколатлари муддатидан олдин тугатилган тақдирда, ой давомида белгиланган ҳақ жамият Кузатув Кенгаши аъзоси томонидан вазифаларни бажаришнинг ҳақиқий даври учун тўланади.

8.8. Жамият Кузатув Кенгашининг аъзосига, Кузатув Кенгашининг ишида иштирок этиши билан боғлиқ харажатлари миқдори ва амалда қилинган харажатларининг миқдори, тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар асосида ва жамиятда белгиланган хизмат харажатларини қоплаш нормаларига мувофиқ қопланиши мумкин.

8.9. Жамият томонидан ушбу харажатларни қоплаш, жамият Кузатув Кенгаши аъзосининг кўчирилиши керак бўлган реквизитлар ёзилган аризаси асосида, қилинган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг амалга оширилади.

8.10. Йил якуни буйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижасига кўра:

- баҳолаш натижаси минус 1200 дан минус 0 баллгача бўлганда – қарор қабул қилинган санада Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 0–баравари ҳажмида;

- баҳолаш натижаси 0 дан юқори ва 600 баллгача бўлганда - қарор қабул қилинган санада Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 10–баравари ҳажмида:

- баҳолаш натижаси 600 дан юқори ва 1200 баллгача бўлганда - қарор қабул қилинган санада Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 15–баравари ҳажмида кузатув кенгашининг ҳар бир аъзосига бир марталик рағбатлантириш (мукофот) тўланади.

9.Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги.

9.1. Жамият Кузатув Кенгашининг аъзолари қонун ҳужжатларига ва жамият Устави моддаларига мувофиқ акциядорлик жамияти олдида жавобгар ҳисобланади. Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган жамият кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди бундан Қонуннинг 90-моддасида белгиланган ҳоллар мустасно.

9.2. Агар Кузатув Кенгаши аъзоси жамият Уставини қўпол равишда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракасизлиги) билан жамиятга зарар етказилса, аксиядорларнинг умумий йиғилиши унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

9.3. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси қуйидагилар натижасида жамиятга етказилган зарар учун жавобгар бўлади:

a) чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлик;

b) Қонунда белгиланган ахборот тақдим этиш тартибини бузганлик;

c) жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган йирик битимларни ва (ёки) амалга оширилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузишни таклиф этганлик, шу жумладан жамият билан бундай битимлар тузилиши натижасида ўзлари ёки ўз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида битимлар тузишни таклиф этганлик.

9.4. Суд жамиятнинг кузатув кенгаши аъзосини жамиятга мулкий зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, суд қарорига кўра уларнинг ваколатлари хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаш тақиқланган ҳолда камида бир йил муддатга тугатилиши мумкин.

9.5. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

9.6. Кузатув кенгаши раиси давлат ва бошқа назорат органлари, жамият акционерлари, жамият бошқаруви ходимлари томонидан кузатув кенгашига қилинган мурожаатлар, сўровномалар, хатларни ўз вақтида кўриб чиқилиши ва уларга жавоб берилиши таъминланиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

10.Кузатув кенгаши котиби.

10.1. Корпоратив котиб (агар мавжуд бўлса) ёки жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси (котиб бўлмаган тақдирда), Кузатув кенгаши аъзоларини зарур материаллар билан таъминлаш, шунингдек акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро муносабатлар учун масъул бўлиб ҳисобланади.

10.2. Кузатув кенгашининг котиби – жамият ходими, кузатув кенгаши аъзоси бўлмаган шахс, жамият Кузатув кенгашининг мажлиси асосида оддий овозлар кўпчилиги билан қабул қилинган қарори натижасида сайланади.

10.3. Жамият Кузатув Кенгашининг котиби (ёки котиб бўлмаган тақдирда компаниянинг корпоратив маслаҳатчиси) қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

a) жамият Кузатув Кенгаши мажлисларига тайёргарлик,

b) кузатув Кенгашининг кирувчи ва чиқувчи хатларини рўйхатдан ўтказиш,

c) жамият Кузатув Кенгаши йиғилиши учун зарурий ҳужжатлар, ахборотлар, материаллар шакллантирилишини таъминлаш ва кузатув Кенгашига тақдим этиладиган маълумотларнинг ишончлилиги устидан назоратни таъминлаш;

d) сиртдан овоз бериш учун бюллетенларни тарқатиш, кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзолангандан сўнг бюллетенларни тўплаш, анкета (бюллетен)ларнинг тўғри тўлдирилишини назорат қилиш;

e) йиғилишлар баённомаларини юритиш, шунингдек, сиртдан овоз бериш натижалари бўйича баённомалар тайёрлаш.

10.3. Кузатув Кенгашининг котиби кузатув кенгаши мажлиси кун тартибининг тегишли масалалари бўйича (қатъий шу масалалар муҳокамаси учун Кузатув Кенгашининг иши доирасида), мажлисга таклиф этилган шахсларнинг иштирок этишини таъминлайди ва Кузатув Кенгашининг йиғилишида таклиф этилмаган, бегона шахсларнинг иштироки олдини олиш учун жавобгардир.

10.4. Кузатув Кенгаши котиби кузатув кенгашининг барча ҳужжатлари (баённомалар, кирувчи ва чиқувчи хатлар, йиғилишларда кўриб чиқиладиган материаллар) қонунчилик билан белгиланган тартибда сақланишини таъминлашга масъулдирлар.

11. Аакциядорлик жамияти кузатув кенгашининг сиртдан мажлиси ўтказилиши тартиби.

11.1. Жамият кузатув кенгашининг ваколати доирасидаги масалалар бўйича мажлислари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ҳам ўтказилиши мумкин.

11.2. Сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) қарорлар кўпчилик овозлар розилиги билан қабул қилинади.

11.3. Сиртдан овоз беришга йўли билан мажлис ўтказиш мумкин бўлмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишда ушбу тартиб қўлланилмайди.

11.4. Сиртдан овоз бериш бу - Кузатув Кенгаши томонидан мажлис ўтказмасдан (кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш учун Кузатув Кенгаши аъзоларининг мажлисда биргаликда иштирок этишларисиз) сўров орқали қарор қабул қилиш тартибидир. Бундай овоз бериш ҳужжатларни почта, факс, электрон, телефон, факсимиль ёки бошқа алоқа, электрон ҳужжат айланиши тизимлари (ЭҲАТ), видеоконференциялар орқали алмашиш, узатиш, қабул қилиш орқали хабарларнинг ҳақиқийлигини таъминлаш ва кейинчалик ҳужжатнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш орқали амалга оширилиши мумкин.

11.5. Кузатув Кенгаши аъзоларининг сўров орқали қарор қабул қилиши учун овоз бериш сўровномалари Кузатув Кенгашининг ҳар бир аъзосига (кейинчалик бюллетени деб юритилади, ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда) хат билан почта орқали юборилади ёки сўров натижалари протоколга киритилишидан камида 10 кун олдин, кузатув кенгаши котиби орқали ҳар бир кузатув кенгаши аъзоси бюллетен олинганини ўз имзоси билан тасдиқлаган ҳолда уларга юборилади. Кузатув Кенгаши. Сўровномаларни Кузатув Кенгаши аъзоларига юборишда Кузатув Кенгаши котиби уларнинг тўғри ва бир хил матнда тузилганлигини ўз имзоси билан тасдиқлайди.

11.6. Сўровномада қўйидагилар кўрсатилиши шарт:

• кузатув Кенгаши раисининг сиртдан овоз бериш ўтказилиши тўғисидаги қарорига кўрсатма;

• кун тартибига киритилган масалалар;

• қарор лойиҳаси матни;

• овоз бериш имкониятлари ("тарафдор", "қарши", "бетараф");

• овоз бериш вариантларидан фақат биттасини тўлдириш зарурлиги борасидаги кўрсатма;

• овоз бериш вариантини тўлдириш усулининг тавсифи (ўчириш, тагига чизиш);

• сўровномага имзо чекиш зарурлиги тўғрисидаги эслатма;

• овоз бериш муддати тугаши борасидаги кўрсатма;

• тўлдирилган анкетани юбориш учун почта манзили, электрон почта манзили ёки факс рақами кўрсатилган эслатма.

11.7. Сўровнома Кузатув Кенгашининг ҳар бир аъзосига топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга, сўров натижалари билан тузилган баённомага илова қилинади. Сиртдан овоз бериш йўли билан қарор қабул қилиш учун кворумнинг мавжудлиги Кузатув Кенгаши аъзолари томонидан тўлдирилган, имзоланган ва Кузатув Кенгаши котибига тақдим этилган сўровномалар асосида аниқланади.

11.8. Кузатув Кенгашининг барча аъзоларига сўровномалар, сўров натижалари баённомага киритилишидан камида 10 кун олдин топширилган бўлса, сўров бўйича қарор ҳақиқий ҳисобланади. Кузатув Кенгашининг, ўзи имзолаган анкетани уни қабул қилиш муддатидан кечиктирмай қайтариб берган аъзоси сўровда иштирок этган ҳисобланади.

11.9. Кузатув Кенгаши аъзоси сиртдан овоз бериш учун овоз бериш бюллетенини тўлдиришда овоз беришнинг мумкин бўлган вариантларидан фақат биттасини ("тарафдор", "қарши", "бетараф") белгилаши керак. Тўлиқ тўлдирилган овоз бериш бюллетени Кузатув Кенгаши аъзоси томонидан имзоланган ҳамда фамилияси ва исми шарифи кўрсатган бўлиши керак.

11.10. Олдинги хатбошида кўрсатилган талабларни бузган ҳолда тўлдирилган бюллетен ҳақиқий эмас деб ҳисобланади, сиртдан овоз бериш орқали қарор қабул қилиш учун зарур бўлган кворумни аниқлашда қатнашмайди ва овозларни ҳисоблашда ҳисобга олинмайди.

11.11. Тўлдирилган ва имзоланган бюллетен Кузатув Кенгаши аъзоси томонидан, унда кўрсатилган муддатда, Кузатув Кенгаши котибига тақдим этилиши ёки электрон почта орқали, кейинчалик бюллетеннинг асл нусхасини хабарномада кўрсатилган манзилга юборилиши орқали еткалиши лозим.

11.12. Хабарномада кўрсатилган муддат тугаганидан кейин котиб томонидан олинган овоз бериш бюллетенлари овозларни санаб чиқишда ва сиртдан овоз бериш натижаларини сарҳисоб қилишда ҳисобга олинмайди.

11.13. Кузатув Кенгаши котиби олинган сўровномалар асосида овоз бериш натижаларини сарҳисоб қилганидан сўнг 7 иш куни ичида Кузатув Кенгаши мажлиси баённомасини тузади (ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда).

11.14. Сиртдан овоз бериш усулидан фойдаланган ҳолда ўтказилган мажлис баённомаси, баённоманинг ажралмас қисми бўлган ва унга илова қилинган, имзоланган бюллетенлар мавжуд бўлган тақдирдагина, Кузатув Кенгашининг барча аъзолари томонидан имзоланган ҳисобланади. Бундай ҳолда, баённома Кузатув Кенгаши раиси ва котиби томонидан имзоланади.

11.15. Кузатув Кенгаши мажлисларининг баённомалари аудит қўмитасига, жамиятнинг ички аудит хизматига, уларнинг илтимосига биноан ва ижро этувчи органга мажбурий тарзда тақдим этилади.

12. Қўмиталар ташкил этилиш ва иш тартиби.

12.1. Жамият Кузатув Кенгаши оқилона ва самарали қарорлар қабул қилиниши таъминланиши учун энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш бўйича, шу жумладан низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал қилиш учун, вақтинчалик ва доимий қўмиталар тузишга ҳақлидир.

12.2. Жамият Кузатув Кенгаши ҳузуридаги қўмиталар таркиби Кузатув Кенгаши аъзолари орасидан тузилади. Вақтинчалик қўмиталарга таркибига, кўриб чиқилаётган масала ёки вазиятнинг моҳиятидан келиб чиқиб, бошқарув органи аъзолари, жамият мутахассислари ва четдан жалб қилинган мутахассислар кириши мумкин.

12.3. Кузатув Кенгаши ўз қарори билан қўмита ташкил этилишини ва ушбу қўмита тўғрисидаги Низомни тасдиқлайди. Кузатув Кенгаши қўмиталарини тузиш ва ишлаш тартиби, уларнинг сони ва таркиби, қўмита аъзоларининг фаолият кўрсатиш тартиби ва ваколатлари Қўмита тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

12.4. Кузатув кенгаши қўмиталари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, жамиятнинг устави ва ички меъёрий-ҳуқуқий низомлари, акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият Кузатув Кенгаши қарорлари асосида иш юритади.

12.5. Қўмиталар жамиятнинг бошқрув фаолияти билан боғлиқ қарорларни қабул қилмайди. Уларнинг вазифаси кузатув Кенгашига амалга оширилган таҳлил асосида айрим масалалар бўйича хулосалар беришдан иборатдир.

12.6. Қўмиталарнинг асосий вазифалари жамият Кузатув Кенгаши ваколатига кирадиган масалаларни, уларнинг фаолият йўналишлари бўйича олдиндан ҳар томонлама ўрганиш ва Кузатув Кенгаши учун тавсиялар тайёрлашдан иборатдир.

12.7. Акциялари фонд биржасининг листинг варағига киритилган жамият, фақат шу жамият кузатув Кенгашининг аъзоларидан иборат таркибдаги аудит қўмитасини тузиши шарт. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолияти доирасида аудит қўмитасига ҳисобдордир.

13.Якуний қоидалар.

13.1. Ушбу Низом, шунингдек унга киритилган қўшимча ва ўзгартишлар жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб кучга киради, бундан Низомнинг, Кузатув Кенгаши аъзолари сони ўзгариши қисмида жамият Устави билан давлат рўйхатидан ўтказиладиган 2.1. банди мустасно.

13.2. Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифлар жамият акциядорлари, амият Кузатув кенгаши аъзолари, ижро органи ва ички аудит хизмати аъзолари томонидан киритилиши мумкин.

13.3. Агар мазкур низомнинг айрим бандлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки жамият Уставига нисбатан қарама-қаршилик ҳолатини тугдирса, у ҳолда бу бандлар ўз кучини йўқотади ва мазкур низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга

қадар ўша бандларга тегишли қисмлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият Уставига асосан ҳал этилади.

13.4. Ушбу Низом айрим қоидаларининг ҳақиқий эмаслиги умуман Низомнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди.

13.5. Мазкур Низом кучга кирган пайтдан бошлаб, илгари тасдиқланган Низом ва унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ўз кучини йўқотади.

Жамиятнинг кузатув
кенгаши тўғрисидаги Низомга
1-ИЛОВА

"Buxoroneftgazparmalash" акциядорлик жамияти кузатув кенгаши мажлисининг сиртдан овоз бериш бюллетени

«____»_____ 202___ йил ____- сонли баённома

Кун тартибидаги 1-масала бўйича:

1._____

_____

(мотивация қисми)

Кузатув кенгаши аъзоси танлаши учун таклиф этилаётган қарор лойиҳаси:

_____

_____

(ўзгача таклиф мавжуд бўлса, шу таклиф моҳияти)

_____

_____

ва.шу тарика.

ОВОЗ БЕРИШ:

"тарафдор"_____ қарши_____ бетараф_____

_____ _____ _____

(иш жойи,лавозими) (имзо) (Ф.И.О.)

«____»_____ 202___ йил

Овоз бериш якунланадиган сана «____»_____ 202___ йил

Сўровномалар (бюллетенлар)нинг тўғри ва бир хил матнда тузилганлигини тасдиқлайман _____ _____

(имзо) (корпоратив котиб Ф.И.О.)

Изох:

• овоз бериш вариантларидан фақат биттасини белгилаш керак;

• сўровномада фамилия ва инициалларнинг бош ҳарфлари кўрсатилган бўлиши ва имзоланиш зарурий;

• сўровнома жамиятнинг _____ электрон почтасига қайтариб юборилиши керак;

• сайлов бюллетени тўлдирилмаган (бирон-бир сатрда белги қўйилмаган, фамилия киритилмаган), бюллетен намунаси ўзгартирилган, бир нечта вариантларда белги қўйилган (бир нечта фамилия киритилган) бўлса, ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Кузатув Кенгаши аъзоларига сиртдан овоз бериш бюллетени электрон почта орқали берилди.

Жамиятнинг кузатув
кенгаши тўғрисидаги Низомга
2-ИЛОВА

Кузатув кенгашининг сиртдан овоз бериш йўли билан ўтказилган мажлиси баённомаси.

АЖ номи _____

АЖ манзили _ _____

Мажлис ўтказиш шакли – мажлис кун тартибидаги масалаларни сиртдан кўриб чиқиш ва сўровнома орқали овоз бериш ва қарор қабул қилиш тартибида.

Мажлис ўтказиш санаси «____»_____ 202___ йил.

Овоз бериш якунланган манзил _____

Овоз бериш натижаларини ҳисоблаш бошланган сана «____»_____ 202___ йил

Овоз бериш натижалари якунланган сана «____»_____ 202___ йил.

АЖ Кузатув Кенгашининг барча аъзолари Кузатув Кенгашининг сиртдан ўтказиладиган мажлиси вақти тўғрисида электрон почталарига маълумот юбориш орқали хабардор қилинган.

Овоз беришда қатнашганлар:
(кузатув кенгаши аъзолари Ф.И.О.)

Сиртдан ўтказилган мажлисда 9 кишидан иборат кузатув кенгаши аъзоларидан _____аъзо қатнашди.

Қарор қабул қилиш учун кворум мавжуд. Мажлис ваколатли.

Кун тартиби :

1. ___.
2. ___.

Кун тартибининг 1–масаласи бўйича:

_____

_____

Маълумот учун:

_____

Тақдим этилган ҳужжат ва маълумотлар:

_____

1. ___.
2. ___.

Овозга қўйилган таклиф:

_____

Овоз бериш натижаси:

“тарафдор”_____ қарши_____ бетараф_____

Қабул қилинган қарор:

_____

Илова да:

1) сиртдан овоз бериш бюллетенлари;

2) кузатув кенгаши мажлиси материаллари;

Кузатув кенгаши раиси: –

_____ _____

(имзо) (Ф.И.О.)

Кузатув кенгаши котиби: –

_____ _____

(имзо) (Ф.И.О.)